



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 32-33
(808)
2022 йил
25 август,
Пайшанба



www.bong.uz



[@jamiyatgzt@mail.ru](mailto:jamiyatgzt@mail.ru)



t.me/bonguz1

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ



БАРПО ЭТИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



КУЧЛИЛАР ОРТИДАГИ “ОЖИЗА”

Оқилу доно халқимиз “онасини кўр – қизини ол!” – дейди-ю. Бу – ҳикмат, ибрат. Тарбия – эгасига қайтувчи жараён. Ким нимани ўзи учун кутса, шуни боласига берсин: оқибат истаган оқибат, меҳр соғинган меҳр.



“ХОН, БЕК, БОЙ ҚЎШИМЧАЛАРИНИ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ”



ЗАНГЛАГАН МИХ НИМАГА ЯРАЙДИ?!



Соғинч манзаралари

*Ажинларингизни ўйласам агар,
Бир-бирига улаб, бойласам агар –
Сурхондан то Тошкентгача,
Тошкентдан то Сурхонга қадар
Соғинч тўла, армон тўла йўл бўларди.*



САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФОРС КЎРФАЗИДАГИ МУҲИМ ҲАМКОРИГА АЙЛАНДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига биринчи давлат ташрифи Тошкент ва Ар-Риёд ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш учун янги ва кенг имкониятлар эшикларини очишга хизмат қилиши шубҳасиз. Муштарак қарашлар ва интилишларни намён этган олий даражадаги музокараларнинг яқунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида кенг кўламли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш тўғрисида қабул қилинган Қўшма баёног бунга яққол тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар кўламларини кенгайтириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва савдо-сотиқ тизимини диверсификация қилиш учун улкан салоҳиятларга эга эканлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистон-Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши яқунлари бўйича 14 миллиард доллардан зиёд ҳажмда энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари, транспорт каби соҳаларда имзоланган шартномалар бунга яққол мисолдир.

Президентимизнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи юқори технологиялар, инновациялар, тадбиркорлик ва “яшил иқтисодиёт” каби соҳалардаги ҳамкорлик салоҳиятини муҳокама қилиш учун ажойиб имконият бўлди. Ҳар икки давлатнинг саъй-ҳаракатларини ягона стратегияга бирлаштириш нафақат Ўзбекистон ва Саудия Арабистони, балки халқаро миқёсда ҳам иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда катта наф келтириши мумкин.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида Саудия Арабистонидан Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Ибн Сино ва бошқа кўплаб дунёга машҳур мутафаккир ва алломалар яшаб ижод қилган Ўзбекистонга зиёрат туризмни жадал ривожлантиришни айтиш жоиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳам Саудиянинг тўғридан-тўғри хорижий сармоялари учун жозибадор солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали қулай шарт-шароитлар яратишга тайёр.

Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони ва бошқа араб давлатларидаги ташқи сиёсати минтақа атрофида барқарорлик ҳамда хавфсизлик белбоғини барпо этиш масалаларини ўз ичига олган Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган асосий вазифалардан келиб чиқади. Яқин Шарқ ва Форс кўрфазида жойлашган, бу минтақаларда қудратли кучга эга бўлган Саудия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бир неча омилларга кўра муҳим.

Биринчидан, географик жиҳатдан денгиз йўларидан ажралган Ўзбекистон учун араб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш устувор вазифасини ҳал этиш – Марказий Осиёда транзит, транспорт

ва коммуникация тармоқларини барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Подшоҳлик Ўзбекистонни Ўрта Ер, Қизил ва Араб денгизлари, Сувайш каналли ва Форс кўрфази билан бирлаштирган ҳолда, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида транзит мамлакатлар родини ўйнаши мумкин.

Иккинчидан, Саудия Арабистони жадал ривожланаётган барқарор иқтисодиётга эга мамлакат саналади. Хусусан, у ялпи ички маҳсулот даражаси бўйича жаҳонда 19-ўринни эгаллайди. Нефть, газ ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи саналган Саудия Арабистони жаҳон энергетика бозорига катта таъсир кўрсатади. Бу борада подшоҳлик энергетика инфратузилмаларини қуриш ва жаҳон энергетика бозоридан нархларни мувофиқлаштириш бўйича тажриба алмашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятли ҳамкори ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам, Саудия Арабистони ҳам улкан табиий бойликлар захирасига эга давлатлар сирасига киради. Жаҳон энергия бозоридан беқарорлик шароитида икки мамлакатнинг ўзаро мунтазам маслаҳатлашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар икки давлат хомашё экспортига боғланиб қолмаслик учун иқтисодиётни диверсификация қилиш, инсон ресурсларини такомиллаштириш, илм-фан, инновация тизимини ривожлантиришга уринмоқда. Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам, Саудия Арабистонининг “2030га Назар” дастурида ҳам ана шу мақсад-мўлжал белгиланган. Бу эса бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни тақозо этади. Бу борада ўзаро тажриба алмашув ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг янги қирраларини очиши шубҳасиз.

Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Осиё қитъасининг жанубий-гарбида жойлашган Саудия Арабистони бугунги кунда дунёда улкан молиявий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб бораётган давлатлардан бири саналади. Мана 31 йилдирки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида дўстона алоқалар ривожланиб бормоқда.



Ушбу икки халқни нафақат яқин тарихий, маданий ва маънавий кадритлар, балки аҳолиси ва худудлар сони жиҳатидан ҳам бир бирига ўхшашлик боғлаб туради. Айни кунда подшоҳликда 34 млн. дан ортиқ аҳоли 14 та географик худудда истиқомат қилиб келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда ушбу мамлакатдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 88 минг долларни ташкил этган бўлса, 2021 йил якунига келиб бу кўрсаткич 1,5 млрд. доллардан ортиқни ташкил этмоқда. Юртимизда Саудия Арабистони капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони

АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ

4,1 баробарга ошиб, ўттиз саккизга етди. Савдо ҳажми эса 1,2 баравар ошди. Президентимизнинг 2022 йил 17-18 август кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлигига қилган ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқувчи янги бир даврни бошлаб берди. Мазкур ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳд шахзодаси Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот жараёнида сўнгги йилларда турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан таъкидланди.

Жумладан, Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишлари мунтазам ўтказиб келинаётганлиги, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, қўшма корхо-

налар ташкил этилганлиги эътироф этилди. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Ишбилармонлар учун янада қулай шароитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Эътиборли жиҳати, ташриф чоғида ташкил этилган Ўзбекистон-Саудия Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли яқунланиб, энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида умумий қиймати 14 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишув ва шартномалар имзоланди.

Шу билан бирга, томонлар маданий-гуманитар алоқаларни янада яхшилаш, хавфсизлик соҳасида мулоқотни йўлга қўйиш, Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан яқдил фикрда

еканликларини билдиришди.

Дўстона мулоқот руҳида кечган учрашувлар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида кенг қамровли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёног қабул қилинди. Хусусан, икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари ўртасида энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари каби соҳаларда ҳамкорликка доир 15 та ҳужжат имзоланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ислон тараққиёт банки (ИТБ) президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассирни қабул қилиб, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илғор, ташаббускор, инновацияларни яхши тушунадиган, янгиликларни ҳаётга татбиқ эта оладиган раҳбар кадрларнинг ўрни бекиёс. Айниқса, давлат органларининг самарали фаолиятини шижоатли, малакали давлат хизматчиларисиз тасаввур этиш мушкул.

ва соғлиғи давлатнинг муҳофазасида бўлиши белгилаб қўйилгани айтиш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат. Энди давлат фуқаролик хизматчисининг ха-

рине бажариш билан боғлиқ ҳолда давлат фуқаролик хизматчисининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қоплани-



ИШГА КИРИШДА ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИККА БАРҶАМ БЕРИЛАДИ

тартибга солишга қаратилган бўлиб, у тизимда амалга ошириладиган ислохотларга янги суръат бахш этади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солиди.

Хусусан, ҳужжат билан бундан буён давлат хизматчиси ўзаро яқин қариндошлиқда ёки қандайдир қариндош бўлган шахсларнинг айнан битта давлат органи ва ташкилотида бирга хизмат қилиши тақиқланмоқда. Қолаверса, коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчилари мажбурий ротаация қилиниши белгилаб қўйилди.

Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий сугурта қилиш масаласи ўз ифодасини топгани ҳам эътиборга молик. Зеро, соғлиқ – инсон ҳаёти учун энг керакли неъматдир. Бу йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган. Ҳужжатда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти

ётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни ҳам қоплаб берилади. Яъни, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ёки соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлиғи ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида бошқача тарзда шикастлангани туфайли етказилган зарар давлат органи томонидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат мажбуриятларини бажараётганда вафот этса, унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига давлат органи томонидан вафот этган шахсларнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган нафақа уларнинг сонига тенг тақсимланган ҳолда берилиши эса яна бир муҳим янгиликлардан биридир.

Сир эмаски, қонунчиликка мувофиқ, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Демак, мулк эгасига зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмагунча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш мумкин эмас. Мулкка етказилган зарар эса тўлиқ қоплаб берилиши керак.

Қонунда хизмат мажбуриятла-

ши, ушбу сумма миқдори кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибда ундирилиши ўз аксини топгани қувонарлидир.

Давлат номидан фаолият олиб бораётган хизматчига қараб бошқарув ёки хизмат тизимида баҳо берилиши ҳаммамизга яхши маълум. Бу ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимини малакали ва масъулиятли кадрлар билан тўлдириб, уларнинг касбий салоҳиятини ошириб боришни тазозо этади.

Ҳужжатда давлат хизмати лавозимига тайинлашда фақат органларнинг ўзи эмас, балки ошкоралик асосида тегишли агентлик бошчилигида танлов асосида, уларнинг билими чиғирлардан ўтказилиб, жойларга тайинланиши белгиланган. Бу эса тизимда шаффофликни таъминлайди, турли хил коррупцион ҳолатларнинг олдини олади.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматчилари — давлат бошқарувида асосий роль ўйнайдиган манба. Ушбу қонунда белгиланган вазифалар аҳолининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу нуқтаи назардан, биз депутатлар қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ТАРТИБЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА?



Иқтисодийнинг муҳим тармоқлари — кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хомашё билан таъминлашда геология-қидирув соҳасининг ўрни катта. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳада замонавий технологиялар жорий қилиниб, геологик ўрганиш ва бурғулаш ишлари ҳажми 1,5 баробаргача ошди. Ерости қазилмаларига солиқ ставкалари пасайтирилиб, соҳада хусусий инвесторларга кенг йўл очилди. Геология фанлари университети ташкил этилиб, фаолияти энг замонавий технологиялар ва илғор методикалар асосида йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, соҳанинг барқарор ривожланиши бевосита унинг ҳуқуқий асоси билан ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Қонун лойиҳаси 16 та боб, 137 та моддадан иборат. Унда фойдали қазилма турлари аниқ белгилянпти. Яъни, асосий фойдали қазилмалар (барча металллар ва углеводородлар) ҳамда норуда фойдали қазилмалар (цемент, ойна, кимё хомашёлари, мрамор, гранит, базальт, кум-шағал, оҳақтош ва бошқалар)га ажратилмоқда.

Эътиборлиси, белгиланаётган нормалар билан геологик жиҳатдан кам ўрганилган ҳудудларни халқаро стандарт асосида блокларга бўлиш тизими жорий этилади. Бунда, тегишли лицензиялар талабгор муурожаатига кўра “биринчи келган биринчи олади” принципи асосида шаффоф механизмлар орқали берилади. Бундай механизм Австралия, Канада, Туркия ва Қозоғистонда кенг қўлланилади. Шунингдек, ўрганилганлик даражаси ва кон очиш салоҳияти юқори бўлган майдонларни эса шаффоф “Е-auction” платформасида онлайн-аукцион натижаларига кўра берилиши белгиланмоқда. Яъни, кам ўрганилган, олис жойлардаги участкалар “биринчи келган биринчи олади” тамойили асосида берилади, ўрганиш даражаси юқори истикболли майдон ва конлар эса аукцион ва танловларга чиқарилади.

Бундан ташқари, ер қаъри участкаларидан фойдаланишда бир маргалик бонуслар ўрнига ҳар йилги тўловлар ҳамда йиллик минимал харажатлар жорий қилинади. Бу эса ўз навбатида, лицензияларни ўзининг участкасида тезроқ геология-қидирув ва казиш ишларини ўтказишга ундайди, объектлар самарасиз туриб қолмайди. Шу

билан бирга, ер қаъри участкаларини сотиш, ҳада қилиш, мерос қилиб қолдириш, омонатга ёки гаровга қўйиш тақиқланмоқда.

Ортиқча юкни қисқартириш мақсадида лицензия олишда талаб этиладиган муайян ҳужжатлар, яъни йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоблар, талабгор молиявий маблағлари, мавжуд техника ва бошқа имкониятлари каби маълумотлар рўйхати бекор қилинмоқда.

Шунингдек, ер ости бойликларида фойдаланишдаги махсус ваколатли давлат органларининг ваколат доиралари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Натижада, майдон ёки кондан фойдаланиш тугаганидан сўнг, атроф-муҳитни қайта тиклаш, рекультивация қилиш тадбирларининг молиявий манбалари тизимли шакллантирилиб, кафолатли бажарилиши таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда соҳада олиб бораётган ишлар натижасида қидирув ишларининг қамрови кенгайди, ерости бойликларининг янги захиралари аниқланади. Уларга асосланиб, йирик корхоналар қурилади, истикболли лойиҳалар ишлаб чиқилади. Пировардида аҳолининг фаровонлиги таъминланиб, мамлакат барқарор ривожланади.

Ваҳобжон МУРОДҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

Аёлоламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилган. Унинг биргина табассуми кўнгилларни хушнуд этади. Аёл бахтли бўлиши нафақат оила, бутун жамиятга таъсири сезилади. Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёлини эъзозлаган ва ҳурмат қилган миллатнинг келажаги бардавом бўлади. Зеро, бугунги кунгача юртимизда аёлларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида қузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилди. Аёл зотини улуғлаш учун унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди. Бу каби ишларни айтмасликнинг иложи йўқ.

КУЧЛИЛАР ОРТИДАГИ “ОЖИЗА”

Аёл нафақат бугунги кундаги мақоми ва жамиятдаги обрўи энг аввало унинг оиласидаги ўрни, оила кадрляти, урф-одатларга муносабати ҳамда фарзандлари тарбиясидаги муваффақиятларига боғлиқ эканини чуқур англашимиз зарур. Оналар фарзандларининг нафақат тарбияси билан шуғулланишлари, унинг билими, дунёқарашининг ривожланишига, маънавиятининг юксалишига янада жиддий қарашлари керак. Фарзандларига ёшлигида ноқ тежамкорликни, саранжом-саришталикни ўргатиб борадиган ҳам аёл, аслида. Шу ўринда, бугунги кун ўзбек аёли маърифатли, маънавияти юқори, тафаккури теран, шу билан бирга замонамизга хос барча ижобий хислатларни ўзида мужасамлаштирган оқила ва доно бўлишлари ниҳоятда зарур. Чунки аёлнинг билимдонлиги, маънавияти, маърифати ва саводхонлиги – фарзандининг, оиласининг бахту саодатидир.

Ҳа, аёлни қанча гўзал таърифлар билан эътироф этсак камдир. Аммо мактовлар ўзимизники. Бугун аёллар масаласида камчиликларимизни тўғрилашимиз, қилишимиз зарур бўлган бир қатор ишларни режалаштиришимиз ва унинг ижросида сансоларлик эмас, балки ҳамкорликда ташкил этишимиз зарур. Жумладан, интернет оламига кириб, “Ўзбек аёли”, “Аёл маънавияти”, “Ўзбек аёлининг қиёфаси(имижи)” деб қидирар экансиз, юрагимизни оғритувчи салбий маълумотлар кўзимизга ташланади. Ўзбек аёли номини бошқа тилда қидирилса ҳам беҳаёлик кўринишлари чиқиб келади. Бу каби маълумотларни кимлар ва нима мақсадда дунё оммасига ойна бўлган маконга жойламоқда. Қандай манфаатдорлиги бор? Бундай маълумотлар жойловчиларга жазо чораларимиз борми? Яна кўп саволлар бизни қийнайди, аммо муаммони барта раф этиш ҳам керак, албатта. Шу аснода, куйидаги муаммоларимизни келтирамиз: Биринчидан, “Ўзбек

аёлининг маънавий қиёфаси”ни интернет тармоқларида кенг оммага, айниқса, дунёга тарғиб этиш бўйича бирорта сайт фаолият олиб бормаётир. Шу сабабли, “Ўзбек аёли”, “Аёл маънавияти”, “Аёл тафаккури” каби номлар билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот жойлаш учун ижтимоий сайтлар очилиб, унда ўзбек аёлининг маънавий имижи: кеча ва бугунги қиёфасини киритиб бориш зарур. Жорий ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплангани бўлди. Энди эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади. Жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши бебаҳо ютуқдир. Иккинчидан, маълумки, республикамизда кўп йиллар давомида аёллар масаласига оид илмий тадқиқот ишлари тайёрланди. Бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Лекин, аёллар билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар базаси шакллантирилгани ҳақида бирор маълумот йўқ. Энг ачинарлиси, мазкур тадқиқотларнинг амалиётга жорий этилиши масаласи афсуски, қоғозларда қолиб кетмоқда. Шу мақсадда янги ташкил этилган Хотин-қизлар ва оила ишлари кўмитасида ушбу масалалар жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жамиятлар ўзгариб, онг янги ланаётган, муаммолар глобал тус олаётган бир пайтда аёл маънавияти масаласи кун тартибига қўйилди. Хўш, у қандай бўлиши керак? Айрим манбаларда “ожиза” дея таърифланувчи аёллар ҳақиқатдан ҳам кучсизми? Ёки луғатларда келтирилганидек, “эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс”, “хотин”, “никоҳ муносабатларида турувчи, фарзанд кўрувчи” холосми? Зеро тарихга назар ташлайдиган бўлсак, теурийлар даврида ҳам маликалар нафақат ички, балки халқаро

дипломатик муносабатларда ҳам фаол иштирок этган. Буни испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзиб қолдирган маълумотларида кўришимиз мумкин. Хусусан, Миср, Туркия, Мўғулистон, Хитой, Испания каби давлатлардан келган элчиларни кутиб олиш маросимида Сароймулкхоним (Бибиқоним), Хонзодабегим каби маликалар ҳам иштирок этиб, улар испан элчиси шарафига алоҳида зиёфат уюштириб, элчининг эътирофига сазовор бўладилар. Шулар ҳақида ёзар эканмиз, ўйлаб қоламиз: бугунги ўзбек қизларига, аёлларига нима бўлди? Улар кимларга ва нима сабабдан тақлид қилмоқдалар? Наҳот азалий ноёб кадрлятаримиз, урф-одатларимиз унутилди, амалдан тўхтади? Не сабабдан бу ҳолнинг сабабу оқибатлари ҳақида тафаккур қилмай қўйдик? Европа Комиссияси президентлигига илк бор Германия мудофаа вазири Урсула вон дер Леен хоним яширин овоз бериш йўли сайланди. Испания қуролли кучлари тарихида эса илк марта аёл киши 56 ёшли Патрисија Ортега Гарсия хоним генерел бўлди. Ҳа, бу каби тарихий ёки ҳозирги кунда давлат ишларида ўз билими, ақлу-заковати билан фаоллик кўрсатаётган кўплаб аёлларни келтиришимиз мумкин. Аммо бунинг баробарида ҳар куни ижтимоий сайтларда жаранглаб, ҳаммани ўзига тортаётган воқеа-ҳодисаларга қайсидир ўзбек аёли сабаб бўлаётгани, ҳаттоки, жиноят содир этишдан қайтмаётгани юрагимизни ларзага солмасдан қўймапти. Фиклашга, бу каби ҳолатларнинг асл сабабини ўрганишга даъват этаётгани, уларнинг олдини олишга чорлов ёки чақириқдек бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Нафақат чорлов, балки мазкур ҳодисаларнинг келиб чиқиш илдизларида таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”, - деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини англамоқда.

Аёл, аваламбор, она. Фарзандларига чиройли тарбия, гўзал хулқ

бериш – уларнинг касби. Мақоми, мартабаси шу билан ўлчанади. Бинобарин, мамлакат тақдири шунга боғлиқ. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, аёл маънавияти ва оила маънавияти ўхшаш, уйғун, муштарак тушунчалардир. Демак, аллани она сути билан бирга ҳазм қилган, тарбияни оилада олган, маҳаллада чиникқан бола Ватан кадрини биледи, оила – никоҳ муқаддаслигини англайди. Табиийки, оилавий ажримлар сони кескин камайиб, онгу тафаккурда беназир, тийран нигоҳли инсонлар салмоғи ортади.

Аёл маънавиятининг яна бир муҳим асоси – турмуш ўртоғи “тарбияси”. Умуман, ширин сўзи, аёллик меҳри билан эрини оила манфаатларига, демакки, умумбахт йўлида хизмат қилишга ўргатиш чин маънодаги тарбиядир. Аёллар бунга қодир. Бежиз улар “уй – оила бек(ас)и”, яъни бошқарувчиси, йўлловчиси дейилмайди, ахир. Эътибор берилса, ғарбона очик-сочик кийинган танноз қиз ҳам, зирак таққан бола ҳам уйдан – онаси олдида чикади. Мазкур ҳолат шу оила тарбиячиси бўлган она маънавияти, маърифатидан дарак беради. Оқилу доно халқимиз “онасини кўр – қизини ол!” – дейди-ю. Бу – ҳикмат, ибрат. Тарбия – эгасига қайтувчи жараён. Ким нимани ўзи учун кутса, шуни боласига берсин: оқибат ис-таган оқибат, меҳр соғинган меҳр. Бу фазилатлар аёлларга хос назокат, ҳаё, самимийлик, камтарлик, оқиллик, удабуронлик, тадбиркорлик билан эгасига етказилар экан у камолотдек, вафодек ўзига жинсдош хислатларни етаклаб келади. Инсоният яралибдики, шунга интилади. Орзу қилади. Тарғиб қилади. Ноёб кадрлятлар, урф-одатларини авайлаб асрашга интилади. Хуллас, аёл маънавияти бугун миллат маънавиятига айланди. Унга бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мунира ҚАҲХОРОВА,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
директори ўринбосари

ЗАНГЛАГАН МИХ

нимага ярайди?!

Мактаб таълимида ўтказилаётган жадал ислохотлардан ҳаммамизнинг хабаримиз бор. Жаҳон тажрибасида илғорлиги исботланган кўплаб янгиликлар мактабларимизда жорий қилинмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам амалиётда синовдан муваффақиятли ўтаяпти, деб бўлмайди. Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман. Бунни яқинда билиб қолдим, эҳтимол, сизнинг ҳам хабарингиз йўқдир.

Гап шундаки, бир неча йиллардан бери мактабда таълим-тарбияга масъул бўлган раҳбарлар ДАРС ЎТ-МАС экан, яъни улар қирғоқда туриб, жараёни бошқарар экан. Энди қўлига кафтгир ушламаган ошпаз-ни, шприц ёки қайчи тутмайдиган



врачни тасаввур қилиб кўринг. Ҳар ҳолда, бир даргоҳга кириб-чикиб юриш бошқа, унинг “қозонида қайнаш” бошқа.

Шундай гап бўлганди: газетада бир саҳифа бўлиб чиққан мақоламни бир акахонимизга берсам, бошидан 4-5 қатор ўқиди-да, газетани ёпди. Мен ранжиганнамо: “Бунни ҳарфлаб ёзиб чиққанман, сиз ўқишга ҳам ҳафсала қилмадингиз”, десам, соддалик билан: “Бунни сиз ёзгансизми, мошинка ёзган-ку” дейди.

Акамизда айб йўқ, у жараёни шу тарзда тасаввур қилади. Ахир мактабда дарс ўқитмайдиган директор

ёки илмий бўлим мудирини ҳам жараёни шу тарзда тасаввур қилмайди-ми? Қолаверса, мактаб даргоҳидаги ходим, биринчи навбатда, педагог – ўқитувчи! У бу фаолиятдан маҳрум бўлса, уни муаллим-устоз деб бўладими? Бунинг устига у ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРСА!

Мактаб ҳаёти – ижодий жараён, у соат сайин янгиланиб туради: болаларнинг умумий кайфияти, ўқитувчиларнинг муносабати ва бошқалар. Қолаверса, мактаблар ҳозир “ислохотлар даври”ни бошдан кечираяпти(!), ҳар лаҳзада янгилик. Шундай бўлгач, бу хароратни ҳис

қилмаган одам қандай қилиб мазкур жонли жараёнга раҳбарлик қила олади?! Худди пайкални сув босганда, қирғоқдан туриб, тошқинни жиловламоқчи бўлгандек гап эмасми бундай муносабат?! Ҳолбуки, бу пайтда шахсий ибрат лозим: қойиллатиб дарс ўтиш, ҳамма соҳада бутун жамоага ўрнак бўлиш.

Аслида, ҳозирги мактаб раҳбарлари бакироқ хўроздек (узр!) буйруқбоз бўлиб қолибди. Яна бу ҳол уларга имтиёз ҳам. Ахир бир соат жон куйдириб дарс ўтиш билан бир соат мажлис қилиш ёки “бир соат рулни бошқариш” тенг даражадаги иш эмас-ку! Ҳолбуки, айна пайтда нафақага аллақачон чиққан кўплаб “раҳбар”лар шу имтиёздан фойдаланиб, маошни қуртдек санаб олаётган, ўрнини ўзидан ёш, иқтидорли ходимга бўшатишни хоҳламаётган, ҳатто бошқаришни эса “телефон орқали” амалга ошираётганлар ҳам бор экан. Бизнинг кузатишларимиз бўйича, бундай ёндашув бир ёқламалик туюлди. Ҳар ҳолда, мактаб қандайдир бошқарув идораси эмас, таълим-тарбия даргоҳи эканлигини ёдда туриш лозим.

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

“ХОН, БЕК, БОЙ ҚЎШИМЧАЛАРИНИ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ”

Дунёда етти миллиарддан ортиқ одам умргузаронлик қилаётган бўлса, шу инсонлар етти мингга яқин тилда гаплашадилар. Жаҳонда миллатлар сўзлашадиган тиллар кундан-кунга камайиб, йўқолиб бормоқда. Албатта, бу рақамлар ачинарли ҳолатни ифода қилиб турибди. Қолаверса, ўзбек тили қанчалик қадимий ва навқирон тил бўлмасин бугунги техника тараққиёти, глобаллашув даврида ўз ўрнини сақлаб туриши қийин кечади.

Техника тараққиёти туфайли янгидан-янги буюмлар, асбоб-ускуналар яратилиб, улар янги номлар билан юритилмоқда. Ўзбек тилида бўлса, қувонар эдик, фахр-ифтихор қилар эдик, афсуски, бошқа тилларда ном берилмоқда. Халқаро тажрибаларни ўрганиш, ҳамкорлик қилиш керак, аммо бу она тилини унутиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Тўғри, дунёда соф тил мавжуд эмас, тиллар борки бир-бири билан сўз алмашиш давом этаверади.

Тил қайғуси – оғир қайғудир. Давра суҳбатларида миллатимиз ойдинлари таъкидлаганидек, тилимиз – бизнинг бирлигимиз ва борлигимиз рамзидир. Тилимиз борки, миллатимиз ҳам бор! Тилимиз борки, тарихимиз, қадриятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз бор!

Тилимиз борки, келажакимиз бор! Тан оламиз, “Давлат тили ҳақида”ги қонунигимиз ижроси бўйича кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Баъзида ўзимиз ҳам бевосита иштирок-

чисига айланиб қоляпмиз. Расмий иш юритиш, идоралараро ёзишмаларда бу деярли яққол кўзга ташланади. Тилимизга давлат тили мақоми берилишидан олдин халқимиз бу кунларни орзу қилишган. Шу маънода, тилимизнинг, умуман, она тилининг кадр-қимматини фарзандларимиз қалбига сингдиришни оиладан бошлаш керак, деб ҳисоблайман.

Давлат тилимизга эга бўлмаган пайтлар фарзандимга Отабек деб ўзбекча исм қўймоқчи бўлиб, тегишли идораларга борганимда хон, бек, бой қўшимчаларини қўйиб бўлмайди, дейишганда хайрон қолганман. Аҳволимни тасаввур қилиясизми? Бир пайтлар ўз она тилимизда маъруза ўқий олмаган даврлар бўлган, шундай пайтларда кўп қатори олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ҳам қийналган. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда мен ўзимни шунақанги бахтли ҳис қилдимки, бунни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Давлат тилини ривожлантириш бўйича барча ислохотларни ўз вақтида амалга оширмоқда, халқ ҳам биров ҳаракат қилиши керак-да. Биз ҳам ташкилотларда ҳужжатлар давлат тилида юритилишини, маиший хизмат кўрсатиш тизимларида давлат тилида хизмат кўрсатилишини, таомномалар ўзбек тилида бўлишини тадбиркорлардан талаб қилишимиз керак.

Автоуловга чиққанимизда шу поворотда тўхтаб кетинг, ёки шу астановкада сақлаб кетинг,

перекрёстқадан ўтганда тушаман, деб русча аралаштириб гапиришга одатланганмиз. Бу, ўз навбатида фарзандларимизга ҳам ўтиб бормоқда. Нега муқобили бўла туриб, ўзбекча сўзларни ишлатмаймиз?! Тошкент метрополитенида юрганимда ўзимни қулай ҳис қиламан. Ўзбек тилида “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади” кейинги бекат “Амир Темур” ёки “Алишер Навоий” деган жарангдор овоз давлат тилида тинмай жаранглаб туради. Бўлар экан-ку! Ўзбекча номласа, ўзбек тилида иш юритса. Метродан чиқишингиз билан, табингиз яна хира бўла бошлайди: “Салон красоты”, деган ёзувни кўрсангиз, шу маиший хизмат биносининг эгаси бу ёзувларни ёздирётганда давлат тилида иш юритиш бўйича мутасаддилар билан ҳеч маслаҳатлашиб кўрадимики?!
Қисқаси, ҳар биримиз ўзбек тилининг давлат тили сифатида ўз мавқеини тиклаб олишига муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Ўзбек тилининг софлигини таъминлаш бўйича умумтаълим мактабларида катта ишлар амалга оширса бўлади. Мактаблар ўртасида туман, шаҳар ҳамда республика миқёсида соф ўзбекча сўзларни қўллаб иншо ёзиш бўйича танловлар ташкил этиш ёшларимиз қалбида она тилимизга бўлган муҳаббатни оширади.

АНОРБЕК МУСАЕВ,
меҳнат фаҳрийси



ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН АСОСЧИСИ

Ўзбекистон мустақиллиги халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Истиқлол асосчиси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳаёти билан боғлиқ хотиралар йиллар ўтгани сайин қалбимиздан чуқурроқ ўрин эгаллаётгани аини ҳақиқат.

Мустақилликка илк қўйилган қадамлар 1989 йил июнь ойидан бошлаб 1991 йил августига тўғри келади. Мамлакатимиз учун оғир тарихий даврда Ислом Каримов ташаббуси билан муҳим ҳужжатлар, жумладан:

- “Давлат тили тўғрисида”ги қонун 1989 йилда;
- Президент лавозими ташкил этиш бўйича қарор 1990 йил март ойида;
- “Мустақиллик тўғрисида”ги декларация 1990 йил июнь ойида қабул қилинди.

Илк мустақиллик кунларида йиллар давомида Республика Марказдан бошқарилгани дарров билинди — очарчилик ёқасига келиб қолган халқни боқиш, ишсизлик билан қийналиб келаётган, аксарияти ёш бўлган фуқароларимизга янги ишчи ўринлари ташкил этиш, озиқ-овқат етишмовчилиги, танг иқтисодиёт каби улкан муаммолар қалашиб ётган эди.

Яна битта жиддий муаммо — уюшган жиноятчилик халқимизни ташвишга соларди. 1991 йил декабрь ойида Наманган шаҳрида, бир гуруҳ экстремистлар тартибсизликлар содир этгани ҳақида эшитиб Ислом Абдуғаниевич Наманган шаҳрига етиб борди. Тўғридан-тўғри одамлар билан учрашиб, қон тўкилишининг олдини олди. Бу билан Биринчи Президент Ислом Каримов халқимизнинг ишончини қозонди.

Бу каби содир этилган воқеалар жаҳон ҳамжамиятига Биринчи Президентимиз танлаган йўлидан қайтмаслигини намоён қилди. Мамлакатимиз олдида эса замонавий ва қудратли армияни шакллантиришга киришилди, 1991 йил охирида бўлиб ўтган сайловда ғалаба қозонганидан сўнг Биринчи Президентимиз миллий Куролли Кучларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мамлакатимиз билан чегарадош бўлган даврларда, хусусан Тожикистон ва Афғонистонда рўй бераётган хавотирли жараёнлар мудофаа қобилятини таъминлаш масалаларини ҳал этиш борасида шошилинч чоралар қўришни талаб этар эди. Вазият инобатга олиниб, 1992 йилда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча мулклар хусусийлаштирилди, жумладан Республика ҳудудидан қурол-аслаҳа, техника ва асбоб-ускуналарни олиб чиқиб ке-

тиш тақиқланди.

Бир неча ўн йиллар мобайнида Республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди, марказ қабул қилинадиган қарорлар юртимиз манфаатларига зид эди — республикамиз арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи базага айланди, мамлакатимизнинг улкан табиий бойликларидан фойдаланадиган ҳолда даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда қолиб кетарди, ишлаб чиқариш корхоналарида эскирган асбоб ускуналар, ҳатто алмаштириб берилмаган. Диёримиздаги табиий ресурсларга ва экологик муҳитга жуда кўп ҳолларда эса тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказилган.

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида собиқ иттифок каби Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий танглик оқибатлари тобора кучайиб, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди, ўз навбатида аҳолимиз турмуш даражаси, ишлаб чиқариш суръатлари, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатарди. Гарчи табиий ресурсларга эга бўлса-да, ҳаёт даражаси кўрсаткичлари совет жамияти жаҳоннинг бир қатор ривожланган давлатларидан орқада қолган, ҳатто Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 93 фоизи республикадан ташқарида қайта ишланган, натижада бизнинг халқ хўжалигимиз кўп жиҳатдан издан чиққан салбий тўлов ва савдо балансига эга бўлиб қолди. 1990 йилда Ўзбекистоннинг Республикалараро савдо айланмаси салбий сальдо 3,7 млрд сўмни ёки ЯИМнинг 11 фоизини ташкил қилди.

Бу борада иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий йўналишдаги зиддиятларни юмшатиш, турли можароларни бартараф этиш бўйича тезкор ҳаракатлар қўриш талаб қилинарди. Шу мақсадда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. 1991-1994 йилларда мерос бўлган ижтимоий соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни юмшатишга киришилди. 1992 йилда компенсация тўловларини амалга оширишга қарор қилинди.

- 6 ёшгача бўлган болалар учун -25%
 - 13 ёшгача бўлган болалар учун -30%
 - 18 ёшгача бўлган болалар учун -35%
- Хусусан, 1992 йилининг ўзида

болалар манфаатлари ва компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 млрд сўм пул ажратилди. Нон, сут-қатик, шакар, тухум, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун 10 млрд сўм ажратилди. Мисол учун 1 кг гўшт аҳолига 400 сўмдан сотилди, унинг ҳақиқий харид нархи эса 750 сўм эди, бўғдой, гарчи бозорда 105 сўм бўлсада, аҳолига 30 сўмдан сотилган, ўртадаги тафовут давлат томонидан қоплаб берилган.

Ўз навбатида ижтимоий соҳадаги харажатларни ҳам қоплаш зарур эди, афсус ўша кунларда республикамиздаги 30 мингдан ортиқ корхона-ташкilotлардан 15-30 фоизи солиқ тўларди, қолганлар эса турли схемалардан фойдаланган ҳолда солиқ тўламасликка ҳаракат қилган.

Президент Каримов иқтисодиётни соғломлаштириш учун пухта режани ишлаб чиқди, режада миллий иқтисодий соҳада миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш шароитини таъминлайдиган қудратли барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётини барпо этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга иқтисодиётни соғломлаштириш режасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда катта эркинлик бериш, халқаро молиявий ташкilotлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни ўтказиш мўлжалланган.

Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсон манфаатини ҳимоя қилиш танланган йўл Ўзбекистонга хос эканини вақтнинг ўзи кўрсатди. Шу билан бирга мутлақо янги иқтисодий муносабатлар, жумладан кредит банк тизими валюта муносабатларини тартибга солиш, туризмни ривожлантириш каби хизматлари ташкил этилди.

Қишлоқ хужалигини тартибга келтириш ҳамда деҳқонларни қўллаб-қувватлаш ва модернизация қилиш ҳам ижобий натижаларга олиб келди, хусусан, аграр сектор хиссасига 1995 йил 1 январда ЯИМнинг 24 фоиздан кўпроғи тўғри келди, 1994 йилда хўжаликлар сони 1,9 баробарига кўпайди, фермер хўжаликлари экинзорларининг умумий майдони 1993 йилга қараганда 2,7, тухум етиштириш 1,3 баробар кўпайди. 1994 йилда дон маҳсулотлари 1991 йилга қараганда 44 фоиз кўп етиштирилди, булар фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида қўлга киририлган амалий натижалардир.

Ёш давлат бўлган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ис-

лохотлар стратегиясида миллий валюта ташкил этиш ҳамда уни барқарор муомалага киритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу тариқа 1994 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта-ягона қонуний воситаси — сўм муомалага киритилди. Миллий валюта бошқа давлатлар валюталарига нисбатдан алмашув курсини аниқ белгилаш мақсадида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб банклараро валюта биржасида валюта савдолари ўтказилган, Ягона алмашув курси белгиланган.

Ислом Каримов ўсиб келаётган авлодга ҳам жиддий эътибор қаратди, мустақиллигимизнинг дастлабки ойларида “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Тизимни янгилашда энг аввало таълимни демократлаштириш ва адолатни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ДТМ ташкил этилди. Умумий ўрта таълим тизимининг моддий техник ҳолатини яхшилашга алоҳида аҳамият қаратилди, мактаблар абгор ҳолатда ёки мослаштирилган биноларда эди, бу вазиятни бартараф этиш мақсадида 1994 йил 209 та, 1995 йил 134 та мактаб қурилди.

Мамлакатимизда соғлом ва барқамол авлодини вояга етказиш, таълим-тарбия муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий техник базасини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг режаси ишлаб чиқилди. 1991-1996 йилларида Республикаимизнинг деярли барча шаҳар-туманларида мактаблар реконструкция ва капитал таъмирланди, моддий-техник базаси модернизация қилинди, янги жиҳозлар ва адабиёт билан таъминланди.

1991-1996 йиллар Ислом Каримов учун ҳақиқий синов эди. Бу мураккаб йилларда Ватанимизда тинчлик сақланиб, халқаро микёсда Ўзбекистон обрўсини кўтариб, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаган Ислом Каримов Ўзбекистоннинг янги тарихига асос солди.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати боис шу жонажон мамлакатимиз равнақиға улкан ҳисса қўшганларнинг меҳнати ҳаққоний баҳоланиб, улар хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эътиборнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Авлодлар алмашинуви рўй бераверади, оққан дарё оқаверади, Ватан, Юрт манфаати учун қилинган ишлар эса абадиятга муҳрланиб қолаверади.

Максим ГЮЛАХМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети талабаси

Соғинч манзаралари

Бошқаларни билмадим, бизнинг болалик ажиб ўтган. Чекка қишлоқ, содда одамлар. Бировга ёмонлиги йўқ, ҳаммага яхшилик тиловчи инсонлар. Ҳозир ўша дамларни эсласам, алганечук одам ўзини бахтли ҳис эта бошлайди. Онам ажиб қаҳрамонлар ҳақида эртагу достонлар айтиб берардилар. Ўзимизни ўша қаҳрамонлардек ҳис қилардик. Балки онамнинг ўша эртақлари билан адабиётга қизиқиш ортгандир. Кейин ўқиш-ёзишни ўрганиб, мутолаага киришдик. Севиб-севиб ўқий бошладик. Бизнинг оламинизда ёзувчи шоирлар бирин-кетин кириб бора бошлади.

Янги-янги номлар пайдо бўлаверди. Биз ўқий-вердик. Энди эса ўша дамларни энтиқиб-энтиқиб соғинамиз. Болалик ажойиб даврда. Уни барчамиз соғинамиз. Қарангки, ижодкорлар ҳам ўша даврларни соғинишаркан. Қайдан биладан колдинг дейсизми, уларнинг ёзганларидан... У ҳақида кўп ёзишган, ёзишяпти ва яна ёзишади. Келинг ўша дамларни мана бу шеър орқали бир-галикда эслаймиз:

*Бир шаҳрим бор эди менинг, дўстларим,
Шаҳримнинг бор эди тиниқ осмони,
Тиниқ осмонида қолди кўзларим,
Кўзларимда қолди маънос армоним.*

*Дўстларим, бир шаҳрим бор эди менинг,
Шаҳримнинг чанг эди кўча-кўйлари.
Кўча-кўйларида ўшал шаҳримнинг
Қайтмас бир фаслнинг қолди бўйлари.*

*...Менинг бир дарахтим бор эди, дўстлар,
Хазонлар қоплабди теграларини.
Кўзёшга қоришиб етилган сўзлар,
Дўстлар, у дарахтнинг меваларими?*

Қаранг! Гўзал мисралар-а! Сиз ҳам ўша соғинчли оламингизга қайтгандек бўлдингизми? Болаликни эсладингиз-а? Адабиётнинг кучини кўряпсизми? Ҳа адабиёт ана шундай кудратли... Кучли.

Албатта шеър муаллифига қизиқяпсиз! Шоир билан танишганимга кўп бўлди. Муаллиф Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙИД.

Сал каттароқ бўлиб Сирожиддин САЙИД билан танишиб қолдик. У пайтлар, қишлоқдан шаҳарга келганмидик, ёки қишлоқни чангитиб кўй боқиб юрган дамларимиди?.. Аниги эсимда йўқ. Сирожиддин ака билан яқин бўлиб кетишимизни сабаби унинг шеърлари, дардлари, ёзганларидаги латофатли топилмалари...

*Уфқлар, қирлару осмонгача қор,
Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.
Она, бу соғинчни қандоқ ёзайин?
Ўртамингда чексиз оппоқ варақ бор.*

«Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.»

Бу мисрани умрида бир бор мусофир нонини еганлар чуқурроқ ҳис қиладилар. Бу битиклар ўрнига ҳар ким ўз гўшасини кўйиб, баралла дилдан айтмоғи мумкин.

Сирожиддин САЙИД инсонни, борликни, ҳаётни, ўзликни, кўнглининг нозик кечинмаларини, инсон қувончу изтиробларини гўзал тасвирлайди. Бир сўз билан айтсак, ҳаётни ёзади. Шеърлари одамни мушоҳадага чорлайди. Қизиғи деҳқон ўқийдими, уй бекалари ўқийдими, кексалар кўлига оладими ёки эсни таниб, энди кўлига китоб олган болақайми, олим ўқийдими, ҳаммага бирдек тушунарли.

Адабиёт инсонни тарбияловчи энг кучли ку-

ролдир. Барча жанрлари қатори назм ҳам энг кучли мафкурадир. Сирожиддин САЙИД шеърлари ҳам инсонни ўйга толдириб, мушоҳадага чорлайди. Мана бу тўртликка эътибор берайлик:

*Олис тоғларимдан келибсан, баҳор,
Унда кимлардир зор, кимлар интизор.
Янги бешиқлардан гапир гапирсанг,
Янги қабрлардан сўйлама зинҳор.*

Баҳор қайдан бошланади. Менга ўхшаган олифталар кун ўтказадиган сўлим хиёбонлардами? Ёки баланд бинолардами? Ёки шаҳарлардами? Йўқ, баҳор энг аввал келганлиги хабарини юксак тоғларга айтади. Нега? Чунки баҳор ҳам юксакликни севади-да! Шоирнинг бу шеърда жуда катта фалсафа бор. Уни фақатгина чуқур ҳис қила олиш керак. Кичик шеърнинг катта маъноси. Мана шунинг учун ҳам биз адабиётга талпинаверамиз-да. Уни севиб ўқийверамиз. Шоир «Янги бешиқларлардан гапир гапирсанг», дея баҳорга ёзғиряпти. Бу мисра билан қалбга умид, ҳаёт, нафас кириб боради. Қандай зўр топилган-а. Мен ҳам доимо биров билан гаплашганимда ич-ичимдан «Янги бешиқларлардан гапир гапирсанг», дея умид қиламан. Наинки баҳор, бир-биримизга шундай хушхабарларни етказиб юриш барчамизга доимо насиб қилсин.

Ҳар гал оналар ҳақида ўқиганимда юрагим бир тўлқинланиб ҳапқиради. Сирожиддин САЙИД бу мавзуга жуда ўзгача ёндашади. Келинг биргаликда ўқиймиз:

*Она, тўглаб чиқса – бардошларингиз,
Шунча йиллар тўккан кўзёшларингиз,
Еру осмон селу ёмғир, дўл бўларди.
Бир воҳани кўмарди сув,
Бир воҳани гарқ этгувчи кўл бўларди.*

*Ажинларингизни ўйласам агар,
Бир-бирига улаб, бойласам агар –
Сурхондан то Тошкентгача,
Тошкентдан то Сурхонга қадар
Соғинч тўла, армон тўла йўл бўларди.*

Бу ерда шоир онасини тасвирляпти. Лекин ўқувчи-да ўз онасини кўз олдига келтиряпти. Нахотки оналар бир хил бўлса? Уларнинг нигоҳлари, дардлари, изтироблари бир хилми? Баъзан ўзимни-ўзим саволлар билан қийнаман. Фарзанд ким бўлса-да она учун бола. Бу шеърда ҳаммамизни муштипар оналаримиз ёзилган-а! Бу сатрларда ҳар биримизнинг оналаримиз гавдаланади. Оналарнинг соғинчлари, бардошлари, кўзёшлари: Еру осмонни селу ёмғир, дўл қилади. Бир воҳани сувга кўмиб, яна бир воҳани гарқ этгувчи кўл бўлади. Агар уларнинг ажинларини бир-бирига улаб бойласа, вилоятингиздан пойтахтгача, пойтахтдан вилоятингизгача, қишлоғингизгача соғинч тўла йўл бўлади.



Китоб ўқишнинг бир яхши жиҳати борки, одам янги-янги ташбеҳларга дуч келиб, тафаккури кенгайиб бораверади. Ҳеч чопон ҳақида ёзилганини кўрганмисиз? Қизиқ мавзу-а? Мен Сирожиддин САЙИД ижодида учратганман. «Чопонга ҳазил қасида» шеъри жуда ажойиб ёзилган. Келинг ўша шеърнинг мана бу мисраларига эътибор берайлик:

*Кимга кўнгул очдим бебож, бехирож,
Кўйнидан тикон ё тош чиқди охир.
Ўзингдан кўймасин, қучоғингни оч,
Дунёда энг очик, беминнат бағир!*

Оддий чопонга берилган таъриф, фалсафа жуда чуқурдир. Шеърда чопоннинг бағри беминнат очиклиги таснифини ўқиб, беихтиёр кўз ўнгимизда чопон гавдаланади. Ҳақиқатан шундай-ку! Чопоннинг бағри доимо очик. Лекин бунини шоир биринчилардан бўлиб айтди, уни ҳис эта олди. Биргина шунинг ўзи билан, ҳаётни нақадар чуқур ва синчков кузатиши кўришимиз мумкин.

Сирожиддин САЙИД шеърларида ватан мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Келинг «Ватан» шеърдаги мана бу мисраларни ўқиймиз:

*Бўронлари тулпорларга тунлар ёл бўлган,
Бир ўғлони чинор, бири мажнунтол бўлган.
Темурлари от минганда жаҳон лол бўлган,
Дунёларга тимсол шоҳу султоним, Ватан.*

Менимча ортиқча таърифга ҳожат йўқ.

У шунчаки сўз айтмайди. Юракдан ёзади. Шунга бўлса керак ашъорлари қалбларни тез эгаллайди. У барча мавзуда тўлқинланиб ёзади. Қишлоқ, она, ватан, соғинч, изтироб, юрт, дўст, вафо, қалб, юрак, севги, ёшлик, болалик, инсон тақдири... рўйхатни узоқ давом эттиришим мумкин. Қайси мавзуда бўлмасин, ўзгача ёндашиб, гапни гўзал қолиплар ила куради. Унинг бари шеърда албатта янги фикр бор. Шеърларида инсониятни эзгуликка, яхшиликка чорлайдиган ғоялар уфуриб туради. Шоирнинг публицистика йўналишидаги ижоди эса алоҳида катта мавзу. Насиб қилса, ижоди ҳали кўп ўрганилиб, тадқиқ этилади. Ва ўрганилиши ҳам керак. Сирожиддин САЙИД халқдан олиб халққа беради. Унинг қаҳрамонлари бизнинг замондошлар. Шеърларида ўша менман, дея бўй кўрсатиб туришади. Ёзмишлари халқона. Чинакам халқнинг шоири.

Устозга ижодий юксакликлар тилаган ҳолда, илтимосимни ҳам айтиб қўяй: Сурхон тоғларидек виқорли, тоза, Кунда Жувоз ҳавосидек мусаффо, Тўпаланг дарёдек тиниқ, Сарносиё Сангардакдек барҳаёт шеърларни тўлқинланиб ёзаверинг. Биз топиб-топиб, соғиниб-соғиниб ўқийверайлик...

Зикрилла МАМАТОВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Қибрай туманида 2021 йилнинг апрель-август ойларида шиддат ва шижоат билан барпо этилган, мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган Янги Ўзбекистон боғи Соҳибқирон Амир Темурнинг боғ барпо этиш борасидаги анъаналари давом этаётганини, бу эзгу амал бугун янгича бўй кўрсатаётганини ёрқин намоён этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўша куни бу мажмуанинг тарихий-ғоявий аҳамияти ҳақида ҳам тўхталган эди:

Давлатчилигимиз 3 минг йиллик. Бу ана шу буюк тарихни кўрсатадиган мажмуа бўлади. Бу ерга келган ёшларимиз, чет эллик меҳмонлар ҳам шуни англайдиган далиллар акс эттирилади, — деган эдилар давлатимиз раҳбари.

Ушбу қадамжого олий мартабали меҳмонлар — Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовлар ташриф буюрдилар.

Дарҳақиқат қисқа вақт мобайнида “Янги Ўзбекистон” мамлакатимизнинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўпмиллатли халқимизнинг жипслиги ва аҳиллигини намоён этадиган мажмуага айланиб улгурди.

2021 йилнинг 31 август куни ўтказилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг очилиш маросимини эслайлик. Ўшанда давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур мажмуада юртдошларимизнинг мазмунли хордиқ чиқаришлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, боғ мазмунан миллий давлатчилигимиз тарихи, аждодларимизнинг буюк ишларидан сўзлайдиган, халқимизнинг бугунги интилишларини кўрсатиб берадиган маскан эканини қайд этган эди:

“Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг таракқиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетакрор меросимиз, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймоларини акс эттиришга интилдик”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилганлигини 2021 йил 31 август куни мустақиллигимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаган эдилар:

Биринчидан, “Агар юқоридан назар ташланса, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади”. Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистонда барча соҳаларда қўлга киритилаётган ул-



кан ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси ва ҳаётбахш ғоялари асосида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар рўёби мужассам. Бинобарин, боғга келган киши янги Ўзбекистондаги янгиланишлар, шиддатли ислохот ва ўзгаришлар муҳитини тўла хис этиши мумкин.

Иккинчидан, боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида ўхшаши йўқ муҳташам бадиий обида — Мустақиллик монументи барпо этилди. Ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеалар муҳрланган. Бой ва бетакрор меросимиз, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мураккаб шароитда республикамиз равнақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб, ўзини аямасдан хизмат қилган атоқли давлат арбобларимиз фаолияти ҳам атрофлича ёритилди.

Тўртинчидан, Бу бетакрор ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир.

Бешинчидан, улугвор Мустақиллик монументи тимсолида биз тарих, бугунги замон ва келажак тушунчаларини ўзаро уйғун ҳолда намоён этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига бекиёс хисса қўшган улуг мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шуқуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди. Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қуши тасвири монументнинг энг юқори қисми-

Мустақиллик монументининг баландлиги 60 метр. Унинг ички қисми қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг 3 минг йиллик тарихини ўзида мужассам этган. Шунингдек, монументда Ўзбекистон шаҳарларини акс эттирувчи бир қанча белгилар бор. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари, қолаверса, мамлакатнинг бошқа худудларини акс эттирувчи меъморий ишланмалар мавжуд. Мустақиллик монументида Ўзбекистон маданиятини ифодаланганлигини кўрмас-



да — бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллади.

“Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятини Янги Ўзбекистон етакчиси ва меъмори Шавкат Мирзиёев куйидаги мезонлар билан ифодалаб берган эдилар:

Биринчидан, Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қахрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган: “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда” деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак хурмат ва эҳтиромини англатади.

Иккинчидан, Ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, қутлуғ зиёратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланиб қолади.

Миллий истиқлолимизнинг 30 йиллигига бағишланган Миллий боғ марказида бунёд этилган Мустақиллик монументи бу маънавий-маърифий, маданий масканнинг чинакам рамзига айланди. Мустақиллик монументи юртимизнинг 3 минг йиллик тарихини, аждодларимизнинг буюк ишларини, халқимизнинг миллий ўзлигини, Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг бугунги орзу-интилишларини ўзида намоён этади.

лик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Мажмуага кираверишда 3 ва 5 пиллапоёга кўзингиз тушади:

Илк уч поғона учта Ренессанс даврини акс эттиради:

Кейинги беш пиллапоё Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини англатади.

Монументнинг чап қисмида Биринчи Ренессанс даври тасвирланган. Бу ерда Хоразмий даври ҳамда Буюк ипак йўли орқали амалга оширилган илк савдо-сотик ривож акс эттирилган.

Монументнинг иккинчи қисмида Иккинчи Ренессанс бўлими қад ростлаган. Бу ерда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек сиймолари акс этган. Монументда тасвирланган оқ дарахт ўзбек халқининг бирлиги ва келажаги порлоқ экани тимсоли сифатида намоён бўлади.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз” деганларида

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг муҳим йўналишини хавфсизлик ташкил этишига ишора этади.

Ҳа, “Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” концептуал ғоя ва кўрсатмаларни ижросини таъминлашга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнамолигида покиза ният ва соғлом эътиқод билан киришилди. Покиза ният, хоҳиш ва соғлом эътиқод инсонга хос интилишлар ҳисобланади. Цин сулоласи даврида яшаб ўтган Цзинь Ин “Гэянь лянъ би” (“Ҳикматлар тўплами”) китоби-

қўшган қудрат куч халқ орзуси эди.

– Истилочиларнинг ёвуз қўшинларига ёлғиз қарши чиқиш учун афсонавий Широққа, аслида эса, номлари олис тарих саҳифаларида унут бўлган қаҳрамон боболаримизга жасорат ва қаҳрамонлик ҳиссини берган ҳам ана шу манба эди.

– Енгилмас Александр Македонскийга қарши бутун Сўғд ва Бактрияни сафарбар қила олган Спитаменга азму шижоат бағишлаган ҳам халқ орзуси эди.

Бу асрий орзу халқимиз эришган Биринчи Ренессансга ва илк ўрта

Хожа Аҳрор Валий каби азиз авлиё боболаримизни тарбиялади, уларнинг камолоти ва эзгу фаолиятида ўзига хос маънавий таянч бўлди.

Бу орзу Соҳибқирон Амир Темур бобомизни жаҳон саҳнасига олиб чиқди ва Темурийлар Ренессанси, Иккинчи уйғониш даври ғоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир кўрсатди. Марказлашган қудратли давлат ва қонун устувор бўлган адолатли жамият ғоясида мужассам бўлди.

Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш Амир

ги давргача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчасида жамулжам бўлди.

Монументнинг юқори қисмидан ўрин олган улкан Ҳумо қуши унга янада улуғворлик бағишлаб турибди. У мағрур қанот ёзган ҳолда акс эттирилган. Маълумки, давлатимиз гербининг марказида қанотларини кенг ёйган Ҳумо қуши бўлиб, у бахт ва эрксеварлик рамзи саналади. Ҳумо қушини аждодларимиз бахт-саодат, эзгулик ва улуғворлик рамзи деб таърифлаган. Афсоналарга кўра, у бошига қўнган кишига бахт ва омад ёр бўлади. Монументнинг юқорисидан жой олган улкан Ҳумо қуши янги Ўзбекистонимиз бошига қўнган, юртимиз тинчлигини улуғлайдиган бахт-саодат тимсоли сифатида гавдаланади.

Монументда, шунингдек, Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати ва матонати таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мураккаб шароитда республикамиз равнақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб хизмат қилган атоқли давлат арбоблари фаолияти ҳам атрофлича ёритилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида” қарориди: “Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини куриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда”, деб эътироф этилади.

Миллий хавфсизликнинг энг муҳим шарти – мустақиллик бўлиб, унга эришмасдан инсон, жамият ва давлатнинг ҳаётини энг муҳим манфатларини рўёбга чиқариб бўлмайди. Чунки, фақат мустақил давлатгина реал шароитларга мос келадиган даражадаги миллий хавфсизликни таъминлаши мумкин.

Бугун “Янги Ўзбекистон феномени”, деган тушунча пайдо бўлди. Янги Ўзбекистон феномени мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган.

Янги Ўзбекистон – миллий тараққиётнинг янги босқичи бўлиб,

ЎЗБЕКИСТОННИ ЭТИШ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

да бундай нақл қилган экан: “Хоҳиш ва интилишлар узокни кўзлаган ва ҳадсиз-худудсиз бўлади, хоҳиш ва интилишлар шу қадар кучли бўладики, уларни ҳеч қандай қўшин билан ҳам тўхтатиб бўлмайди”. Демак, юксак идеал ва соғлом эътиқод билан яшайдиган инсон, жамият, давлат ҳар қандай узок манзилга ҳам етиб боради ва ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” (2021) китобиди: “Жаҳон халқлари сиёсий лугатларида “Америка орзуси”, “Британия орзуси”, “Россия орзуси”, “Япония орзуси”, “Хитой орзуси” деган тушунчалар мавжудлиги буни яққол тасдиқлайди. Улар бесабаб ва тасодифан шаклланмаган. Ушбу тушунчаларнинг ҳар бири ўша халқнинг умумий орзу-умидлари, улар яшаётган давр ва келажакка доир мақсад-муддаоларни ифода этади. Муайян халқ ёки худуд аҳолисининг асрлар давомида шаклланган ва умумижтимоий орзуларини ифодалайдиган бундай тушунчалар замирида ниҳоятда теран маъно-мазмун мужассам экани шубҳасиз”, деб таъкидланади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон стратегияси худди шундай ҳаётбахш хусусият касб этмоқда, халқимизни ёруғ келажакка чорлаб ва янгилашнига сафарбар қилиб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланиб бормоқда.

“Янги Ўзбекистон тушунчасида мужассам бўлган халқ орзуси тарихий тараққиётнинг барча давларида миллатнинг етук вакиллари уни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келди”, деб ёзади Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” (2021) китобиди. Булар:

– Қадимий Турон худудида сак-массагетларни руҳлантириб, душманларга қарши аёвсиз жангга бошлаган, Тўмариснинг кучига куч



асрлардаги Маърифий уйғониш даврига асос бўлган, унинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилган.

Аждодларимиз армонлари ўша даврда Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти, фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди.

Бу олий ҳавас Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Куброни уйғотди, ушбу буюк алломаларнинг ғояларида, асарлари ва хайрли амалларида акс этди.

Бу азалий интилиш Жалолиддин Мангубердини тарбиялади, уни ҳақиқий ватанпарвар, ёвқур баҳодир шахсга айлантирди. Гарчанд у бой берилган салтанатни асраб қололмаган бўлса-да, эл-юрт мустақиллиги ва озодлиги йўлида курашган мард инсон, миллий қаҳрамон сифатида асрлар оша халқимизнинг тарихий хотирасида абадий сақланиб қолди.

Халқ орзуси Азизиддин Насафий, Абу Муъин Насафий, Абдуҳолик Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Занги ота, Баҳоуддин Нақшбанд,

Темур ибн Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодиёт, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Халқимизнинг орзу-интилишлари Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби Иккинчи уйғониш даврининг буюк сиймоларини уйғотди, уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган одил подшо, адолатли жамият, комил инсон ғояларида намоён бўлди.

Ўша даврларда бу орзу қомилликка элтадиган иймон ва эътиқодни миллат вакиллари учун муқаддас қадриятга айлантирди. Натижада қомиллик ва маърифат сари интилиш туйғуси халқимиз менталитетидан мустаҳкам ва бир умрлик жой олди.

Бу орзу Бехбудий ва Авлоний, Ҳамза ва Мунавварқори, Фитрат ва Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир каби минглаб жадид боболаримизни уйғотди. Уларнинг халқ эркинлиги ва саодати йўлидаги эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амаллари учун улкан маънавий омил бўлди.

Шу тариқа узок ўтмишдан хозир-

Боши 8-9-саҳифаларда

бугун “Янги Ўзбекистон” тушунчаси дунё сиёсати луғатида пайдо бўлди. Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маъри-

Ана шу ғоя асосида юртимизда “Янги Ўзбекистон - Учинчи Ренессанс сари” деган шиор илгари суриляётгани ҳам бежиз эмас.

Халқимиз орзу қилган ва қатъий интиляётган Янги Ўзбекистон, аввало, халқимиз ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўйганини, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани, бу борада олдимизда кўплаб янги имкониятлар

мияти, энг аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган, мамлакатимизнинг жозибадор демократик қиёфаси яратилаётган бугунги бетакрор замондир.

Янги Ўзбекистон – ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янгиланган жамият, дунёга юз тутаётган эркин бир ўлкадир.

Буларнинг барчаси юртимизда бошланган ислохотлар, келажак сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамизга айланиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратурасида 2021-2022 ўқув йилида “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фанини ўқитиш йўлга қўйилганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев каламига мансуб “Янги Ўзбекистон стратегияси” (2021) китоби ушбу фаннинг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясининг узвий ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Халқаро экспертлар: “Ўзбекистон Президентининг инаугурация маросимидаги дастуриламал нутқида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши республикани тараққиёт сари етаклайди”, деб таъкидламоқдалар. Хусусан, Миср савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари, “Миср — Ўзбекистон” дўстлик жамияти аъзоси Ҳамдий Абу ал-Анайен: “Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбе-

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бойитади. Сабоби, Тараққиёт стратегияси креатив, яъни замонавий воқеликни ҳисобга олган сиёсат ва иқтисодиёт мўлжалини олган бўлиб, “миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар каторига олиб чиқиш”га қаратилган.

Ҳозирги замонда, дунёдаги илғор халқлар катта-катта марралар сари интиляётган бир пайтда маънавий жиҳатдан ғафлатга ботиб, “ухлаб ётиш”га, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, барча фожиа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан бошланишини идрок эттириш ва англаштининг самарали воситаларидан фойдаланиш масъулиятини янада оширди.

Мамлакатимизнинг инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлар каторидан ўрин олишини таъминлаш Янги Ўзбекистон стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини ташкил этишини англади. Узлуксиз ўқув-карьерта тамойилининг аҳамияти чуқур тушуниб етилди.

Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларга дахлдорлигини чуқур ҳис қиладиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлган замонавий кадрларни тарбиялашда жонқуярлик фазилятларини камол топтиришга хизмат қилди.

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” махсус курсини ўрганиш орқали тингловчилар нафақат ўзлари, хизмат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ходимлар, аҳоли, айниқса ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган ва сафарбар қиладиган Янги Ўзбекистоннинг ўз ғояси, тараққиёт тамойиллари борлигини идрок этиб, амалиётда қўллаш кўникмаларини эгаллаганликларини эътиборга лойиқ деб ҳисоблайман. Мухими, улардаги онгли шижоат, Ватанни севиш масъулияти ва ватанпарварликни миллий ғоя даражасига кўтариш зарурлигини англаб, ВАТАНПАРВАРликни ифода этадиган ички сафарбарлик кучларини Ватанга ва Халққа садокат билан хизмат қилишни олий бурч, деб билиб хизматга отланаётганлигини кўриш устозлар учун энг катта завқланиш деб биламан. Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” китоби (2022) барчамизда тарихий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий билим ва тафаккуримизни, савиямизни юксалтиришга, мафкуравий, ғоявий жиҳатдан тарбияланишимиз борасида муҳим манба саналади.

Шариф ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси профессори,
полковник.



фий вазиятнинг ўзи такозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир.

Юқоридаги тушунчалар замирида эзгу мақсад мужассам. Бу ҳам бўлса Ватанимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашдир.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида таъкидлагани каби, муайян халқ ёки давлат ҳаёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этадиган бирор-бир феномен (сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳодиса – Муаллиф) ёки у ҳақдаги тушунча ва тамойиллар ўз-ўзидан, осонгина пайдо бўлмайди ва тасодифан дунёга келиб қолмайди.

Шу маънода, ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу тушунча мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, юртимизда демократик, ижтимоий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислохотларимизнинг таянч ғоясини ифода этади.

пайдо бўляётганини англададиган тушунчадир.

Янги Ўзбекистон – мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонлик йўлининг юқори босқичидир.

Янги Ўзбекистон – бу “Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ” деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган замондир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод кишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшаётган тарихий бир даврдир.



Янги Ўзбекистон – “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тасдиғини топаётган мамлакат.

Янги Ўзбекистон – катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётган ижтимоий макондир.

Янги Ўзбекистон – жаҳон ҳамжа-

кстонда амалга ошириладиган 7 та асосий йўналишни акс эттирувчи Тараққиёт стратегияси билан танишиб чиқдим. Бу ҳужжат том маънода давлатингиз Президенти бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилган бешта йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми ҳисобланади.” Таъкидлаш зарурки, Янги Ўзбекистонда амалга ошириладиган 7 та асосий йўналишни акс эттирувчи Тараққиёт стратегияси

Инсон кўз очиб кўрган, меҳрни ҳис этган мўъжаз Ватани бу Оиладир. У шу масканда шахс бўлиб шаклланади, камолотга эришади. Оиланинг қадрият даражасида юксалиш тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Меҳр-оқибат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби туйғуларнинг илк кўринишлари бобо-буви, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин яқин қариндошлик ришталари ўзаро муносабатлар жараёнида мустақамланиб боради.

ҲАРФ ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Оилавий ҳаёт эса инсоннинг бахтини англашида, ота ёки она, бобо ва бувилик “мартаба”ларига эришиши, эъзозланиши учун ҳам муҳим объект ҳисобланади. Қаерда бўлманг, қандай ҳолатда, қанақа вазиятда бўлманг кўнглингиз хотиржамлик топадиган маскан ҳам оила. Оиланинг муқаддаслиги ҳам шунда!

Мамлакатимизда оила институтини мустақамлаш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш, оилани жамиятнинг раванқ топишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқр англаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бош қомусимиз, “Оила кодекси”да яратилган ҳуқуқий асослардан ташқари 2017-2021 йилларга мўлжалланган Стратегия ҳаракат дастурида ҳам оилаларни мустақамлигини таъминлаш, унинг ижтимоий вазифаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, айниқса, оиланинг фарзандлар тарбиясидаги нуфузини оширишга кўмаклашиш ҳамда замонавий, намунали оила моделини

барпо этиш, ёш эр-хотинларнинг моддий ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш борасида аниқ манзилли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ягона мақсад жамиятни энг кичик, аммо ишончли “ядро”сини асраб-авайлаш, уни башарий қадрият сифатида келажак авлодга қолдиришдан иборат.

Оила — ор-номус, Оила — гурур, Оила — энг қадрли гўша. Унинг маънавий сарҳадлари шажаранинг обрўсини белгилайди.

Оила институтини мустақамлаш борасида олиб борилаётган фаолият, оила муаммолари билан боғлиқ масалалар оммавий ахборот воситалари — матбуотда ёритилиши, бу жараёнда журналист этикаси меъёрларига ҳамма вақт ҳам эътибор қаратилаётгани, деган саволга жавоб излаймиз. Бинобарин, оиладаги эр-хотин муносабатлари, қайнона-келин ўртасидаги келиш-мовчиликлар, низолар, ажримлар ҳолати келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ мақолалар тайёрланишида журналист этикаси, унинг про-

фессинал маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, узок йиллик журналистик фаолиятим давомида асосан ҳуқуқий мавзуда мақолалар тайёрлаганман. ОАВ тизимига оид қонун талабларидан келиб чиқиб жиноят тафсилотлари, қонунбузилишларга қўлланилган жазо чоралари, текширишлар натижалари билан боғлиқ танқидий-таҳлилий материаллар, суд очерклари, кўрсатувлар тайёрланишида судланувчи ҳақида айтилган гап, билдирилган ҳар бир фикр, ҳатто журналистик мулоҳаза ҳам мақола “қаҳрамон”ининг оила аъзолари, фарзандларига салбий таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлганман.

Бугунги кунда ахборот медиа майдони чексиз даражада кенгайди. Ижтимоий тармоқларга қўйилган материаллар бир зумда дунёга тарқалади. Телеграм почталарида кундалик қилинган ишлар, яраштирув ёки ўзаро жанжал, низоли ҳолатлар, хусусан, ажримлар билан боғлиқ фактлар расмлар ва изоҳлар билан бериб борилаётти. Мобил гуруҳларда, ижтимоий тармоқларда

ҳам маълумотлар қўйилмоқда. Бу билан соҳа ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабабчи бўлишарди. Ҳар бир корхона ва ташкилотда матбуот хизмати ходими фаолият юритмоқда. Оила мавзуси билан боғлиқ ҳар қандай материал матбуотда ёритилишида журналистдан чуқур ва таҳлилий ёндашув, маҳорат ва салоҳият талаб этади. Кимнингдир адашиб, билиб билмай йўл қўйган хатоси, дейлик қонунбузилиши ҳолати ёритилган мақола туфайли унинг фарзандлари, ота-онаси, яқинлари тақдири, келажаги, обрўсига ўзимиз билмаган ҳолда таъсир ўтказиб қўйишимиз мумкин. Шунинг учун журналистдан бу масалада энг мақбул усулдан фойдаланиш, ахлоқ-этика нормаларига амал қилиш, баъзан ёзилмаган қонунлар — қадриятларимиз нуктаи назаридан ёндашув зарур. Оиласи сирини кўчага чиқиб кетишини ҳеч ким хоҳламайди. Ёки “Сени отангни телевизорда кўрсатишди”, дейилган гап ўсмир ёшидаги болага қанчалик таъсир қилишини ўйлаб кўрайлик.

Журналистик касб этикасида адолатли, холис, ошқоралиқдан ташқари махфийлик, сир сақлай билиш каби мезонлар ҳам борлигини унутмайлик.

Оила миллий қадрият даражасидаги ўта нозик масала. Оила ҳақида мулоҳазали, таҳлилий материаллар тайёрланишида шу оиланинг аввало маънавий муҳити, жамиятга, одамларга тегаётган нафи, ибратли томонларини ёритиш, танқидий ёхуд суд ҳукмлари асосида тайёрланадиган мақолаларда судланувчи ортида оиласи борлигини ёдда сақлайлик. Инсонлар тақдири, келажаги, ҳаёти, оиласи ҳақида ёзаётганда ҳиссиётларга берилмаслик мақсадга мувофиқ.

Моҳира ШАКАРОВА,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси

КЎҲНА АРҚДА ЯНГИ ТОМОШАЛАР

Хоразм вилоят кўғирчоқ театри мустақиллик билан деярли тенгдош. Истиклол туфайли қадимий ХИВАДА ташкил этилган ижодий жамоа ўттизинчи ижодий мавсумини бошламоқда.



Ўтган давр мобайнида болажонлар, улар катори катталар ҳам севиб томоша қиладиган юзга яқин спектакллар сахналаштирилиб, барчаси мухлисларга манзур бўлди. Россия, Германия, Озарбайжон ва бошқа кўплаб мамлакатларга ижодий сафарлар қилиб, эътибор ва эътирофга сазовор бўлган жамоа бугунги кунда ҳам ижодий изланишларни изчил давом эттирмоқда.

Театрнинг кутлуғ сана – 30-ижодий мавсуми очик осмон остидаги музей – Ичон қалъада тантанали равишда бошланди.

Кўҳна Арқдаги ёзги томошагоҳда бўлиб ўт-

ган, ёш томошабинлар, уларнинг ота-оналари, шунингдек, кўплаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар иштирок этган маданий тадбир чинакам шодиёнага айланди.

Миллий куй-кўшиқлар, карнай-сурнай садолари билан бошланган тадбир аввалида театр директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Д.Атабоев, Хоразм Маъмур академияси раиси И. Абдуллаев, Озарбайжон халқ артисти Б. Мустафоев, “Ичон қалъа” давлат музей-кўрикхонаси директори Ш. Мадаминов ва бошқалар қатнашчиларни навбатдаги



мавсум бошланиши билан кутлаб, жамоага ижодий ютуқлар тилашди.

Шундан сўнг намойиш этилган “Сеҳрли олтин куш” спектакли ва бошқа кўнгилочар томошалар барчага, айниқса, сайёҳларга хуш кайфият ва чексиз завқ бағишлади.

Маданий тадбир давомида театр ходимлари томонидан кўғирчоқлар ясаш бўйича маҳорат дарслари ва кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Бундай тадбирлар қадимий шаҳарнинг туризм жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист.
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.



JOINT STOCK COMPANY
QO'QON BIOKIMYO
AKSIYADORLIK JAMIYATI

"ҚУҚОН БИОКИМЁ"

акциядорлик жамияти жамоаси



*барча юрtdошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг
ўттиз бир йиллиги муносабати билан муборакбод этади. Юртимиз тинч, ҳаётимиз
фаровон бўлсин. Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнайсин!*

"Транскасб" корхоналар уюшмасига қарашли

"БЎКААВТОУСТОЗ"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*тобора яқинлашиб келаётган энг улуғ,
энг азиз айём —*

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
ўттиз бир йиллиги билан қутлайди.*

*Инсон кадрини улуғлаш, одамларни рози қилиш борасида олиб
борилаётган барча ислохлар самараси юксалайсин.*

*Йўлингиз равон,
ҳаётингиз чарогон
бўлсин, азиз
юрtdошлар!*



ТУТҚУНЛИКДА

ТЎКИЛГАН УМР



Беланчакда ётган ўгли Абдуллох дунёга келганига 3 йил бўлди. Нурзода эри кекса Шайх Муҳаммадиннинг оғзини пойлаб юрибди. Чунки “менга ўғил ҳадя этган кунинг сенга озодлик бераман. Талок қилиб Ўзбекистонга жўнатаман”, деган ваъдаси бор эди.

Нурзода ҳар гал болаларига овози эшитилар-эшитилмас алла айтганида, туғилиб ўсган қишлоғи Чандирни эслайди. Раҳматли онаси Мухаррам опанинг гўзал сиймоси кўз олдида намоён бўлади. Отаси, акалари, хусусан, опаси Гулшодани соғиниб кетганини юракдан ҳис қилади. Ўшанда опасининг гапига кулоқ солганида эди...

– Нурзоодаа, тура қол энди...

– Уффф, яна бошланди... Нурзода уйни супир, Нурзода товукларга дон бер, Нурзода уни қил, Нурзода буни қил...

– Кўзларингни оч, сингилжоним, ўзимнинг эркаам... Кўзинг остидаги холинг худди томчига ўхшайди-я.

Онасини тупроққа топширганларига тўрт йил бўлибдики, опаси уни шундай эркалайди. Биргина Нурзодани эмас, икки акаси Қудрат ва Шухратни ҳам, кенжатоё Нурсратни ҳам эркалайди... Ҳатто баъзан дадаси Турсун аканиям “ўзимни дадажоним” деб қўяди..я. Бунча чексиз меҳрни қайдан топган экан-а?

Кир ювиш, сигир соғиш, овқат пишириш... Ҳамма ҳаммаси унинг зиммасида...

Совчиларнинг оёғи тинмай қолганда кўни-кўшни уни турмушга узатиш керак, деган гапни дадасига уқтиришди. Гулшоданинг тўйи бўлиб ўтгач, уй-рўзғор ишлари Нурзоданинг зиммасига тушди... У уйда тутқун бўлиб ўтиришни ҳеч ҳам хоҳламасди...

Узоқ қариндошларининг аёлини учратиш қолди-ю, ҳаммаси ўзгариб кетди. Шундан сўнг ҳаёти ҳам ағдар-тўнтар бўлиб, сув тескарисига оққандек бўлди...

– Ҳай, заифа, тур ўрнингдан, Абдуллохни ичкарига олиб кир. Ҳозир отам келаяпти, олдинга, – деди Нурзоданинг ўзидан икки ёш катта ўғай кизи Шукрия.

– Ҳозиир, – деди шоша-пиша Нурзода. Кўнглида: “Наҳотки, талоғимни берса... Йигирма олти йилдан сўнг... Мени отам, ака-укаларим қабул қилшармикан?... Мени Ўзбекистон қабул қиладилми?...”

Кошинли айвон даричаси очилиб, Шайх кириб келди. Ҳорғин, қарилик нуқси урган кўзлари атрофи пажмурда ажинлар орасида кўз ёшми, сувми силқиб турган, салқиган қабоқлари, лаб-лунжи осилиб

қолган зўрға хансираб нафас олаётган эрига тавозе билан ярим таъзим қилиб саломлашган Нурзода бориб унинг кўлларида ўпди. Ўн етти ёшида 52 ёшли Шайх Муҳаммадиндан қандай ижирғиган бўлса ўша ҳолатга тушди... Муҳаббатсиз, бахтсиз, севгисиз бўлсада, уч қиз бир ўғилни дунёга келтирди... Ўндан ортик кундошлар орасида не-не оғир кунларни бошидан кечирди. Қизлари Ойиша, Хадича, Румайсоларни Шайх ўзи истаган кишиларга турмушга узатди. Мана, қизларини кўрмаганига икки йилдан ошди. Даврлар ўзгарди, замон ўзгарди, балки...

Аммо Шайх оиласидаги тартиб ўзгармади. Нурзода кўниккандек кўринсада, шу йиллар ичида юрагидаги соғинч армонларини сўндиролмади... Қаерда тўкин-сочин яшасанг, ўша ер Ватан дегувчилар бекорларни айтишибди... Соғинч ейди ич-этингни, бунда...

**– Нега бунча ғамгинсан,
– Шайх кўз остидан
Нурзодага қаради. –
Ўзбекистон, Ўзбекистон,
дейсан. Сен у ерда яшай
оласанми, – Шайх бироз
хансираб гапида давом
этди. – Одамлар Дубайда
яшашни орзу қилишади.
Сен эса... Майли мен
розиман... Қизларинг-
ку эгалик... Аммо..о..о,
Абдуллохни қолдириб
кетасан...**

– Йўк, йўк, бегим!! Раҳм қилинг. Мен қизларимни ҳам, Абдуллохни ҳам олиб кетмоқчиман. Рухсат беринг, қизларим билан учрашай, уларнинг кўнглини билай...

– Сенга бир ҳафта муҳлат. Ёинким, тақдирингга кўнасан, ёки фарзандларингдан кечиб юртингга қайтасан...

Чол кўлидаги заррин ипли тасбеҳни ўгирганча ўрнидан кўзгалди...

Нурзода бир ҳафта давомида хонасидан чиқмади. Бухорода Лаби Ҳовузда ўтириб Ҳожар янгаси ва ўзини Латофат деб таништирган аёл билан чой ичганлари, тушликдан сўнг қандай қилиб уларнинг Дубайда энагалик қиласан, деган таклифларига кўнганини эслади. Ўшанда, пул, бойлик, шоҳона ҳаёт бу бахт, деб ўйлагани рост. Уни онаси эрта ташлаб кетди, меҳрдан мосуво бўлди. Опасига эркалик қиларди. Опасини турмушга узатгач, ёлғизланиб қолди. Тез-тез келиб турадиган Ҳожар янгаси қандай қилиб ёмонликни раво кўрди экан?...

Ҳар гал хобгохидан чиқиб кетаётган Шайх унга қолдирган тилла, бриллиант тақинчоқларни хона юзига улоқтириб йиғлаганларини эслади. Яна кўзлари ёшланди... Қаршисидаги кўзгуга қаради. Гўё кўзгуга ҳам ғамгин тортгандек... 43 ёш... кўз остидаги томчига ўхшаган холига қаради. Аллоҳим, бир умр кўз ёш тўкиб яшайсан, деган тамғамикан, бу хол... Кўз ёши сизиб келиб қопқора холи устида тўхтади...

Орадан уч кун ўтди. Шайхнинг уйида енгил ишлар учун хизмат қилиб юрадиган самарқандлик Лейла эшик ортидан келиб Нурзодага пичирлади...

– Хоним, мен элчихонадан одам топганман. Учала кизингиз ҳам сиз билан қайтмоқчи. Аммо, Абдуллох вояга етмагани учун Шайхнинг рухсати керак экан. Сиз тайёр бўлиб ҳужжатларингиз кўлингизда бўлсин. Биз айтган вақтда кетамиз...

– Лейла, ҳозир юрагим ёрилиб ўлиб қоламан... Қизларга турмуш ўртоқлари жавоб беришдими?

– Улар талоқларини олишди. Мерос ишлари билан шуғулланишяпти...

Абдуллох чопиб келиб онаси

бағрига ўзини отди.

– Ойи, ўргатган шеърингизни айттайми?

– Айт-чи!

– Фақат, йиғманг, хўп.

*Ватан, Она сўзи нақадар лазиз,
Шениан ҳай найсадан
муқадас азиз...*

Томо эсимдан чиқдикуу

Ватан, Она сўзи нақадар лазиз!

Ҳеч қачон унутма, ўғлим! Ўзбек тилида гаплашиб тур, хўп.

– Хўп, хўп, – у жажжи қўлчалари билан онасининг кўз ёшларини артарди...

Нурзода Ўзбекистонга қайтишдан олдин қизлари билан гаплашиб олди.

– Балки Ойиша билан Хадича, сизлар қолганларинг маъқулдир. Ҳар холда уканг бу ерда ёлғизланиб қолмасин, дейман.

– Мен қололмайман, ойижон. Хадичани билмадим. Тутқунликдан тутқунликка бордим. Болалигим йўқ мени.

– Мен ҳам қолмоқчи эмасман. Ўзбекистонда оёққа туриб олганимиздан сўнг укам Абдуллохни қонуний йўллар билан олармиз. Ҳозирги имкониятни қўлдан чиқармайлик.

Ота ҳовлисига кириб келганида бутун чандирликлар уни бағирларини очиб кутиб олишди.

– Одамзот адашади, хато қилади, биз сени аллақачон кечирганмиз, – деди қишлоқ оқсоқоли Одил бобо.

Онаси қабрини кучиб унсиз йиғлаётган Нурзодани Гулшода бағрига босиб, пичрлади: “Ўзим эркаам.. ҳаммаси яхши бўлади... ҳали кўрасан ўғлинг ҳам келади...”

Айни шу дақиқаларда Шайх Муҳаммадинни Дубайнинг Шаржа шаҳрида тупроққа топшираётган меросхўрларнинг адвокатлари Абдуллохни Ўзбекистонга тезроқ қайтариш бўйича иш олиб боришаётган эди.

М. ШАКАРОВА

Қандайдир, етти-саккиз ойлар илгари бир танишим сўраб қолди:

– Нега кўзойнак тақмайсан?

– Ҳа, менга нима кераги бор?

– Сенинг ёшингдаги одам кўзойнаксиз бўлмаслиги керак. Агар ҳозир тақмасанг, кўзни бутунлай ишдан чиқаришинг мумкин.

Танишим кетди. Кўз олдим қоронғилашди. Мен яқиндагини ҳам, узоқдагини ҳам ажратолмай қолдим.

Сочларим тўкилиб, пешонам очилишини яширинча орзу қилиб юрардим. Яна кўзойнак тақишни

лай бошқачада. Яп-янги жиҳозлар яркираб кўзни олади. Профессор мени текширди. Мен унга кўргуликларим ҳақида сўзладим:

– Бири – яқинни кўролмаслик, бошқаси узоқни кўролмаслик, дейди.

– Эҳ бефаросатлар! Сизда яқинни кўролмаслик ҳам, узоқни кўролмаслик ҳам эмас. Сиз астигматизм – кўзнинг хиралашишидан азият чекаясиз.

Азиз НЕСИН

КЎЗОЙНАК

ҳам. Мен буни зиёли кишилар белгиси деб ҳисоблардим. Агар қассоб ёрдамчисининг пешонаси устидаги сочлари тўкилиб, яна унга кўзойнак тақиб қўйилса университет доцентининг ўзи бўлади қолади. Аммо менинг бу орзуларим ушалмади. Ҳеч йўғи бурунга кўзойнак қўндириб олсам, одамлар “ана олим!” дейишар. Мен шифокорга бордим. Текширувлардан кейин у деди:

– Сизда узоқни кўролмаслик. Бир бутун юздан етмиш бешлик кўзойнак тақиш керак.

Мен тавсия бўйича кўзойнак сотиб олдим. Уни тақишим биланок бошим айланди, кўнглим айниди, кечирасизу, ҳатто кусдим. Кўнглимни ағдар-тўнтар қилди. Кўзойнакни олганимда эса ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Кўзойнакда кўрсам ҳам кўнглим айнипти. Кўргиликнинг ўзи!

Бир танишимнинг менга раҳми келди.

– Сенга бир яхши шифокорни тавсия қиламан. Шунга учраб кўр, деди у.

Шифокор олдин мени, кейин кўзойнакни кўздан кечирди.

– Қайси аҳмоқ сизга бу кўзойнакни ёзди? Сизда узоқни яхши кўролмаслик йўқ-ку!

– Ҳа-а, менга нима экан?

– Яқинни кўролмаслик. Икки диоптрияли кўзойнак тақинг!

Янги кўзойнак буюртма қилдим. Бу кўзойнакда бошим айланмади, кўнглим ҳам айнинади. Энди ҳаммавақт кўзим ёшланади. Мен узлуксиз йиғлайман. Ёшланаверганидан кўзларим доим кизариб юрарди. Кўнглимни тушунарсиз ғашлик эгаллади. Бу кўзойнак фақат мотам маросимига ярайди.

Яқин дўстим менга ачинди:

– Бунақада кўр бўлиб қоласан. Давлат шифохонасига бор. Хусусий шифокоринг қаерда-ю, йирик давлат касалхонасининг шифокори қаерда! Бундан ташқари, у ерда кўз касалликлари бўйича профессор қабул қилади.

Ҳа, давлат шифохонаси – бутун-

Профессорнинг тавсияси бўйича янги кўзойнак буюртма қилдим. У вақтида келди. Мен ҳамма нарсани яхши кўрдим. Фақат бир нарса мени ташвишлантирарди: дунё мендан узоқлашиб кетгандай. Ўзим ўттиз йилдан буён яшаётган хонанинг деворлари ўттиз метр нари сурилгандай. Танишимнинг қўлини сикмоқчи бўлсам етолмайман, нимадир ёзмоқчи бўлсам – қоғоз қўлимнинг остида эмас, икки метр нарида туради. Нарсалар менга дурбинни тескари қилиб карагандай кўринадди. Уларнинг ўлчамлари кичрайган, одамлар бўлса ясимикнинг донидай бўлиб қолди... Энг асосийси овқатланолмай қолдим. Столга ўтираман – ликопча мендан йигирма метр нарига қочади, бурним бўлса қайноқ шўрвага тушади, титраб-қақшаб ўзимдан икки метр нарида бўлган косага қошиқ солишга интиламан. Мен ей-



ишни, ичишни, ҳаракатланишни тўхтатдим. Мени қўлимдан тутиб Америкада таҳсил олган бошқа шифокорга олиб боришди. У ҳақда кўрсичқонга бўрини кўзини қўйиши мумкин, деган гаплар юради. Атрофлича текширувдан кейин у шундай деди:

– Қанақа... сизга бу кўзойнакни ёзди?! Э-э аҳмоқ! Нодон шифокор! Агар сиз прокуратурага шикоят қилсангиз, унинг дипломини олиб қўй-

тун!

– Қайси... сизга бу кўзойнакни ёзди?! Кўриш қобилиятингиз меъёрида-ку! – кичқирди бу гал учрашган шифокорим.

– Аммо мен ҳеч нарсани кўрмайман. Қоронғуликка тушиб қолдим!

– Сизда шабкўрлик бор. Ҳаммаси шундан!

Ҳақдорилар, уколлар ва яна янги кўзойнак... Энди ҳамма узоқдаги нарсалар босиб кела бошлашди. Қирғоқдаги кемага чикмоқчи бўлиб денгизга қадам қўйибман. Кема ҳали қирғоққа етиб келмабди, менга олдимда тургандай кўринди.

Шаҳарда мен учрамаган шифокор қолмади. Агар бири ўнг кўзингиз яқинни, чап кўзингиз узоқни кўролмас экан деса, бошқаси тескарисини тасдиқлайди. Биттаси астигматизм деса, бошқаси каторакта эканлигимни айтади.

Менда катаракта борлигини топган шифокор ёзиб берган кўзойнакда ҳамма нарсани яшил рангда кўрдим. Менда далтониклик – ранг-тусни ажратолмасликни аниқлашди.

Мен нарсаларни олди-дан, ёнидан, узоқдан, яқиндан, жуфтлашган ҳолда, ҳар хил ранглarda кўраман. Оёғим остидаги йўл қирқ-эллик сантиметрга ўпирилиб тушгандай, ва мен зиналар бўйлаб бораётгандай туюлади. Мен туядай қатта қадам ташлардим. Нима учундир кўприк бўйлаб борардим. Поғоналар менга бир метрча пастда бўлиб кўринди ва пастга кулаб тушдим. Кўзойнагим тушиб кетди. Мен ҳеч нарсани фарқлолмай қолдим. Ҳаммаёқ ғира-шира эди. Менинг туришимга ёрдамлашишди.

– Кўзойнагим қаерда? – сўрадим мен.

Уни топишди, менга беришди, тақдим. Э-э, Худо! Мен қачон шундай тиник кўрганимни эслолмасдим! Ҳаммаси ўз ўрнида, аниқ, тиник, гўзал. Бу бировнинг кўзойнаги эмасми? Йўқ, ўзимники: салмоқли, қора, шохли. Қувончимни ифода-лолмайман. Билди энди, шу ондан кўз шифокорига қадам босмайман! Мен газетадаги энг кичик ҳарфларни, денгиздаги кеманинг ёзувини ҳам аниқ кўряпман. Ана шундай қувонч билан уйга келдим.

– Кўзойнагингга нима қилди? – сўради хотиним.

– Ҳа нима бўпти?

Мен кўзойнакни олдим. Бармоқларим гардишининг ичидан ўтди. Йиқилганимда шишалари тушиб қолган экан.

Ўша кундан буён кўриш қобилиятим аъло даражада.

Рус тилидан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси



ишади.

– Майли, мен эмас, Оллоҳ жазола-син уни, – дедим мен.

Янги кўзойнак сотиб олдим. Энди кўзларимга ҳамма нарса иккита кўрина бошлади. Етти кишилик оиламиз ўн тўрт кишигача ошиб кетди... Илгари мен ҳар бир одамнинг иккинчиси борлигини пайқамас эканман. Ахир одамлар бир-бирига шунчалик ўхшаши мумкинми? Менда ақлга сиғмайдиган нимадир бўлди. Ўзимнинг оёқларимга қарайман – ва тўртта пойабзални кўраман. Қўлимда бўлса ўнта бармоқлар.

Бошқа шифокорга бордим. У Германияда ўқиган.

– Қайси... буюрди сизга бу кўзойнакни?

– Ҳа, нима бўпти?

– Нима бўпти деганингиз нимаси? Нотўғри!

Бир кўзимда яқинни, иккинчисида узоқни кўролмаслик бор эмиш. Янги шифокор ёзиб берган кўзойнак билан ёруғлик ва қоронғуликни ажратолмай қолдим. Атроф зим-зиё



ШАЙХ САЪДИЙ — ШАРҚ НАЗМИНИНГ БУЮК ДАҲОСИ

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг ҳаёти ва ижоди турфа афсоналарга йўғрилиб кетган. Маълумотларга қараганда, у милодий 1203 йилда Эроннинг Шероз шаҳрида зодагон хонадонидан дунёга келади. Барча даҳолар сингари болалиги илму маърифат талабида ўтади. Эрта отасидан етим қолиб не-не машаққатлар ичра камолга етади.

Тирикчилик важҳидан турли касб-корнинг бошини тутиб кўради. Ёш Муслиҳиддин учун илм ва ижод иштиёқи ҳар қандай заруратдан устун эди. Шу боис, ўша пайтдаги муаззам Аббосийлар давлатининг пойтахти бўлмиш Бағдод шарифга йўл олади.

Бағдод кўҳна шарқнинг нафақат сиёсий, балки илмий-маданий марказларидан бири эди. Бўлғуси аллома бу ерда замонасининг пири комиллари, олиму фозилларидан диний ва дунёвий фанларни чуқур ўзлаштиради. Хусусан, фикҳ, тафсир фалсафа, мантиқ каби фанларни мукаммал ўрганади.

Тарихий манбалар, хусусан, Саъдийнинг ўз асарларида тилга олинган маълумотларга қараганда, у мадрасани тугатгач, узоқ саёҳатга отланади. Эрон мулкининг деярли барча шаҳарларини кезиб чиқади. Шунингдек, Шимолий Африка, Кичик ва Марказий Осиёдаги шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилади.

Саъдий ўз умри давомида турли саргузаштларни бошидан кечиради. Унинг “Тулистон” ва “Бўстон” асарларида ўз ҳаёти билан боғлиқ айрим автобиографик ҳикояларни ҳам келтириб ўтади.

Ўзининг ёзишича, бир муддат ҳозирги Исроил ҳудудида, Қуддуси шарифда бўлган. У ерда эса, “фарангларга” – салибчиларга асир тушиб, ҳозирги Ливан (Лубнон)га олиб кетилади. Тароблис қалъаси атрофида хандақ қазиш ишларига жалб этилади. Худди шу пайтда уни ҳалаблик сардорларидан бири – яқин таниши кўриб қолади ва ўн динор тўлаб асирликдан озод қилади. Кейин эса уйига олиб келиб, юз динор қалин пули эвазига ўз кизини унга никоҳлаб беради.

Саъдийнинг ёзишича, унинг оилавий ҳаёти ҳам у қадар мақтунгулик бўлмаган. Ҳалаблик аёли билан рисоладагидек турмуш кечира олмаган. Ҳатто оилавий низоларнинг бирида хотини “отам сени ўн динор эвазига қулликдан озод қилгани эсингдан чиқдимми?” дея иддао қилади. Шунда Саъдий: “Рост, отанг мени ўн динор билан қулликдан қутқарди, лекин юз динор эвазига мени сендек бир аёлнинг чангалига топширди” деган экан.

Шайх Саъдийнинг айрим байтларидан унинг бир фарзанди бўлгани, Яманнинг Санъо шаҳрида ундан ажралиб қолганини ҳам тахмин қилиш мумкин.

Саъдийнинг ҳикоятларини ўқиб,

унинг турли касб-кор, феъл-атвор эгалари билан мулоқотда бўлганини англаш мумкин. Умрининг асосий қисми араб мамлакатларида ўтади. XIII асрнинг ўрталарига келиб, у она юрти Шерозга қайтиб келади. 1292 йилда шаҳар чеккасидаги ғарибона хужрасида бандаликни бажо келтиради. Кейинчалик унинг қабри устига мухташам макбара бунёд этилади. Ушбу обида айни пайтга қадар шеърийят ихлосмандларининг муқаддас қадамжоларидан бири бўлиб келаётир.

Саъдий қабри устида ўрнатилган мрамторш

Юқорида таъкидланганидек, Саъдий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларнинг аксарияти афсонаю ривоятларга йўғрилганки, уларни бир-биридан ажратиш осон эмас. Баъзи манбаларнинг ёзишича шайх Саъдий юздан ошиб вафот этган, 120 ёшга кирган деган маълумотлар ҳам учрайди. Айрим ривоятларга қараганда, ул зот ўз умрини учга тақсим қилиб, қирқ йилини илм олишга, қирқ йилини саёҳатга, яна қирқ йилини эса, ижодга бағишлаган.

Шайх Саъдий Шарқ дидактик адабиётининг етук намояндalarидан бири саналади. Унинг “Тулистон” ва “Бўстон” асарлари юз йиллар мобайнида бошланғич мактабларда ахлоқ-одоб бўйича дарслик сифатида ўрганиб келинган. Асардаги ҳар бир ҳикоят ҳаётийлиги, чуқур мазмун ва мантиққа эгаллиги, маънодорлиги билан киши эътиборини тортади. Инсониятни эзгуликка, ақл билан иш тутишга, умрининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланишга даъват этади.

Ушбу икки асар ўзбек адабиётига ҳам катта таъсир кўрсатган. Алишер Навоий ҳам “Лисонут-тайр” достонидан бу икки асар мактабларда болаларнинг назм ва наср ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришда муҳим манба бўлганини зикр этади.

*Истабон таиҳиси хотир устод,
Назм ўқутурким, равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон
Ул “Тулистон” янглигу.*

Бу “Бўстон”.

Ҳазрат Навоийнинг форсий ашъорлари орасида Саъдий ижодидан илҳомланиб яратган ғазаллар бор. “Насой-имул-муҳаббат” тазкирасида Шайх

Саъдий Хизр алайҳиссаломнинг муборак назарига тушган аллома сифатида зикр этиб ўтилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур “Бобурнома” асарида ўз давридаги тожу тахт можаролари ҳақида куюниб сўз юритар экан, мазкур асардан олинган ҳикматни мисол келтиради.

Ўнта дарвеш битта гилам устида ухлай оладилар, аммо, икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди...

Ўзбек шоирларидан Сайфи Саройи ҳамда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий Саъдийнинг “Тулистон”ини зўр маҳорат билан ўзбек тилига ўгирганлар. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний эса, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарини битган.

Саъдий асарлари хоҳ насрий, хоҳ шеърий бўлсин халқ тилига яқинлиги, раволиги, мусикийлиги билан ажралиб туради. Тилшунос олимлар Саъдий асарларини форс тилининг мезонидир, дея таъкидлайдилар. Жомий эса, унга “шеърийят оламининг пайғамбарларидан биридир” дея таъриф берган эди.

Саъдий ғазаллари ўз жозибаси, ўйноқчилиги ва маҳзунлиги билан дилларни тез ва осон ром этади. Ҳар мисрадаги сўзлари худди ипга терилган инжу доналаридек жилоланиб, кўзни қамаштиради, қалбларда энг нафис, исмсиз ҳисларни уйғотади.

*Эй сорбон, оҳиста юр,
ором жоним борадур,
Тандан дилу жоним олиб,
ул дилситоним борадур.*

Ана шу мисралар беихтиёр сизни олис саҳролар томон етаклайди. Қулоғистон остида карвон кўнғироқлари жаранглайди, узоқ манзилларни босиб келаётган туяларнинг ҳорғин юриши кўз олдингизда намоён бўлади. Ёридан ажралиб фарёд чекаётган дилхаста ошиқнинг дарди дунёси беихтиёр сизнинг юрагингизга ҳам оқиб киради.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ўз ҳаёти давомида жуда кўп ўлкаларни кезиб, тождорларнинг низолари туфайли вайронага айланган шаҳарларни, бегуноҳ азоб чекаётган минглаб инсонларни ўз кўзи билан кўрди. Бутун инсониятни тили, ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар бир тану бир жон бўлиб яшашини истади.

РУСТАМ ЖАББОРОВ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-808
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

31
yil

*Mustaqillik
bayrami muborak bolsin!*